

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 11 (7.160). Sotuvda erkin narxda

Куч-қудратимиз - ақиллик ва ҳамжиҳатликда



Жамиятимиз фаровонлиги ва тараққийнинг бош омили - тинчлик ва барқарорлик, кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг ҳамжиҳатлигида...

тиллер хилма-хиллиги Ўзбек халқига хос азалий бағрикенглик, саҳийлик ва очикқўнғиллик фазилатларига асосланган.

Бугун мустақил Ўзбекистонда турли миллат вакиллари учун ҳаётнинг барча соҳаларида яратилган имкониятлар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилган...

Республика ижтимоий ҳаётида иштирок этиш, шу жумладан, дустлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик асосида мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни мустақамлашга хизмат қилган конференциялар ўтказиш марказлар фаолиятининг муҳим йўналишларидандир.

«Ўзбекистон - умумий уйимиз», «Кучимиз бирлик ва ҳамжиҳатликда», «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» республика фестиваллари бутун мамлакат бўйлаб муваффақиятли ўтказилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Президентининг Сингапурга ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Сингапур Республикаси Президенти Селлапан Рам Натанинг таклифига биноан 2007 йилнинг 24-26 январь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Учрашувлар чоғида томонлар Ўзбекистон - Сингапур муносабатларини кенгайтиришга оид масалаларни, ўзарани қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини мустақамлашга қаратилган катор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ишларининг боришини ўрганиш ва бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир чоратадбирлар ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ишчи гуруҳини ташкил этиш тўғрисида

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг бажарилишини чуқур таҳлил этиш ва баҳолаш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилишга оид муҳим тамойил ва ёндашувлар бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда киритиш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ишларининг боришини ўрганиш ва бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ишчи гуруҳи иловага мувофиқ тарқибда тузилсин.

2. Ишчи гуруҳи 1998-2006 йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш якуналарини танқидий баҳолаш, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда аҳолининг соғлигини сақлашни ташкил этиш борасида халқ таълим масалаларини чуқур таҳлил қилиш асосида 2007 йилнинг 1 мартига Вазирлар Маҳкамасига қўйиладиган масалалар кўзда тутилган аниқ таклифлар киритсин:

а) аҳоли учун давлат томонидан қафолатланган тиббий ёрдам ҳажминини ва давлат ҳамда хусусий тиббиёт муассасалари кўрсатадиган пулли хизматлар улушининг узлуксиз ўсиб боришини таъминладиган, юқоридан қўйилган самарали бошқариладиган замонавий соғлиқни сақлаш

ташкилий тузилмасини шакллантириш;

б) ўз соҳасида юқори маънавият ва обрў-этиборга эга шифокор-олимлар ва мутахассислар, соғлиқни сақлаш тизимининг айрим соҳалари бўйича юқори технологияли ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар мавжудлигидан қелиб чиққан ҳолда;

Ўзбекистонда касалланиш динамикаси, турлари ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

тиббиёт амалиётига даволашнинг илгор услублари ва технологияларини жорий этиш; замонавий тиббий ташхис қўйиш ва даволаш усулларидан фойдаланиш асосида юқори маънавиятли ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож беморларни текшириш ва даволаш;

клиника ординатураси орқали шифокор ходимлар маънавиятини ошириш ва касб маҳоратини такомиллаштириш ишларини ўз ичига оладиган юқори технологияли ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказларни ташкил этиш ва ривожлантириш;

в) касалликларнинг олдини олиш ва қишлоқ аҳолисига сифатли бичинчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича қишлоқ

лоқ врачлик пунктлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш;

г) соғлиқни сақлаш тизимининг кам қувватли, ортиқча ва самарасиз муассасаларини, кейинчалик уларнинг негизига замонавий нодавлат даволаш муассасалари ташкил этиш шарти билан илгарига ўқиб қилиб, шунингдек, уларни нолга тенг қийматда бериш;

д) соғлиқни сақлаш тизимида пулли хизматлар ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантириш ҳамда рабатлантиришни таъминладиган қўшимча имтиёзлар яратиш;

е) аҳоли, айниқса, болаларни юқумли касалликлар ва эпидемиялардан ишончли ҳимоя қилишни таъминладиган санитария-эпидемиология хизмати тизимини мустақамлаш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамаси Ишчи гуруҳининг таклифлари асосида 2007 йилнинг 15 мартига Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тегишли лойиҳасини тасдиқлаш ва тақдим этсин.

4. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов ва Р.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 22 январь

Тупроғи - олтин, суви - зар, иқлими - бебаҳо бўлган Ўзбекистонда азалдан халқнинг моддий турмуш даражасини қишлоқдаги ижтимоий-ишлаб чиқариш муносабатлари белгилаб келган. Шу боис ҳам Президентимиз бу тарихий ҳақиқатни бот-бот таъкидлаб баробарида, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ қишлоқ ҳўжалигини раванқ топтиришга йўналтирилган яхлит миллий дастур ишлаб чиқилишининг илҳомчиси ва ташаббускори бўлди. Бугун шуни алоҳида эътироф этиш керакки, қишлоқда юз берган янгиланишлар, туб ўзгаришларда Юртбошимиз бошчилигида олиб борилган ислоҳотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ана шу ҳақда газетамизда батафсил ҳикоя қилиб борамиз.

бозор иқтисодиётига ўтишининг беш тамойили аграр соҳада ҳам туб бурилиш ясади. Айниқса, давлатимиз раҳбари ўзининг "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида" асаридан беш давлатимиз олдида турган мураккаб, гоёқ муҳим ва долзарб вазифаларни чуқур таҳлил этиб, иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлиши қишлоқ ҳўжалигида барқарорликни таъминлаш, шахсий томорка ҳўжалиқларини ривожлантириш, мулкчиликнинг турли шакллари жорий этиш, аграр муносабатларининг янги типини вужудга келтириш ва уларнинг қонуний асосларини яратиш йўллари

"Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжалиги) тўғрисида"ги Қонуналарнинг айрим қоидалари замон талабига жавоб бермай, эскириб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва таклифи билан бу қонунларнинг умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, мутахассисларнинг таклиф-мулоҳазалари, илмий ва амалий тажрибалар билан бойитилган, янги таҳрирдаги ҳўжатлари қабул қилинди.

Бу норматив-ҳуқуқий ҳўжатларда янги ҳўжалик механизмининг - фермер ҳўжалиқлари ташкил этишнинг энг асосий қоидалари янги замонда кенг баён этиб берилди.

- Мулкчилик масаласини халқ қилиш, - деб таъкидлайди Президентимиз, - бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади.

Боғбони бор юрт

Фаровонликнинг тамал тоши

Шеърят мулкнинг султони, буюк мутафаккир Ҳазрат Мир Алишер Навоий ўзининг "Маҳбуб-ул-қулуб" асаридан: Деҳқонки дон сочар, Ерни ёрмоқ бирлан ризқ йўлин очар. Алар ҳар ён қилса ҳаракат, Элга ҳам кут етқарур, ҳам барекот, - деб ёзганида минг бор ҳақ эди.

Дарҳақиқат, дастурхонларимиз тўқинлиги, эгизимиз бутлиги, эртанги қундан қўнғимиз тўқлиги, бир сўз билан айтганда, мамлакат ободлигига эл-юрт фаровонлиги она заминимиз соҳиблари бўлган деҳқонларимиз меҳнатига, ерга тўқабган пешона терига кўп жихатдан боғлиқ.

Бирок, ўтган асрнинг 80-

йилларида собиқ тузум томонидан юритилган қалтис "қайта қуриш" сиёсати, яъни, бир ёқлама ривожлантирилган мажмуҳ иқтисодиёт, табиий ва минерал хом ашё захираларидан нотўғри фойдаланиш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришдаги, нарх белгилашдаги, аҳолининг истеъмол меъёри таркибидagi бузилишлар туфайли вужудга келган гоёқ кескин муаммолар оқибатда деҳқон меҳнати қадриқизланди, ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зиён етди. Бу соҳа жиддий инқироз ёқасига қелиб қолди.

Ўзбекистон Истиклолга эришгач, деҳқоннинг елкасига оғтиб теғди. Барча соҳалар сингари қишлоқ ҳўжалиги тармоғи ҳам чинакам ривожланишининг ойдин йўлига чиқиб олди.

Мамлакатимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган



ни белгилаб берди.

Ана шу устувор вазифалар асосида ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий базасини мустақамлашга, қишлоқ ҳўжалигида мулкчиликнинг янги шакллари қарор топтиришнинг конституциявий асослари ва қафолатларини таъминлашга тамал тоши қўйилди.

2003 йилга қелиб, илгари қабул қилинган "Ер кодекси",

Ҳақиқатан, қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш жараёни иқтисодиётда энг катта бойлик бўлган ернинг чинакам эгисини топиб бериш, қишлоқ қишлоқда бўлган ва эртанги қунга умид уйғотиш, унинг турмушини янада тўқинроқ қилиш вазифасидан иборат эди.

(Давоми 2-бетда)

Алп ўғлонлар юртни шарафлайди

Маълумки, истиклол қўлга киритилган илк кунлардан соғлом авлод тарбияси устувор мақсадларимиздан бири этиб белгиланди. Президентимиз, Куролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондон Ислам Каримов республикамизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқимизни маънавий-руҳий яхиятдан янада соғломлаштириш, ҳар томонлама баркамол авлодни, ишончли, юксак тайёрликка эга бўлган ва жисмонан чиниққан Ватан ҳимоячиларини тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқда.

Миллий армиямизда соғлом муҳитни шакллантириш, ўғлонларимизнинг маънавий ва жисмоний баркамоллигига аҳамият қаратиш туфайли катта ютуқларга эришилди.

Мамлакатимизда "Умид ниҳоллари" мида "Баркамол авлод" уйинлар ва талабалар Универсиадаларини ўтказиш аънаёна айлангани яхши биламиз. Спортнинг ҳарбий-амалий ва Олимпия турлари бўйича икки йилда бир бора ўтказиладиган Умумармия уйинлари ҳам улар орасидан муносиб ўрин эгаллади. Утган йили ҳарбийларимизнинг Чирчиқда ўтказилган спорт байрами янги-янги чемпионларни кашф этди, уларни катта спорт сари янада руҳлантирди, жанговар шайлигимизни юксак даражаларга олиб чиқди. Куролли Кучларимизда бундай нуфузли мусобақалар, чемпионатлар аънаёна айланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

(Давоми 2-бетда)

Муаммо

Зайтун... У минг хил дардга малҳам. Мевасидан олинадиган мой ноёб ва шифобахш. Лекин, минг афсусли... Бизда экилмайди...

Зайтун Сурхондарёда ўстирилаяпти, деган гап қулоғимизга қилиниб қолди. Вилоят ўрмон ҳўжалиги директори Муслимов Мирзаевнинг берган маълумотиға кўра, республикага таниқли


Сурхондарёда зайтун ўсадими?

ўрмончи, шўрчилик Ҳайдар Маҳмудов ҳозирги кунда 500 туп зайтун дарахтини экиб, ўстираяпти экан.

Шўрчиға бориб, Ҳайдар Маҳмудовни излаб топдик. - Зайтунни қандай қилиб ўстираяпсиз? - сўраймиш у кишидан.

- Ҳамма дарахтаға ҳам меҳр керак, - дейди Ҳайдар ака. - Мен ўзи анча вақтдан бери шундай ноёб дарахтларға

(Давоми 3-бетда)



Оламда нима гап?

да кўқартирилган экан... - Зайтунни мен ўзим қизиқиб кўпайтираяман, - дея қўшимча қилди ҳамсуҳбатимиз. - Илгари ҳам шундай ноёб, Сурхондарёда ўсмайдиган ўсимликларни, дарахтларни етиштирганман... Оз-моз хабарим бор, агар зайтунни кўпайтирсак, Сурхондарёға жуда катта фойда келадди.

Қисмат

...1940 йилнинг эрта қўқламида Ойхол момо катта ўғли Жўрақулни армияға кузатиб, қишлоқ кўчасида йилгаб қолди. Бир йилдан кейин уруш бошланиб, Жўрақул ҳам кўплар қаторида фронтға жўнади.

Қишлоқдаги меҳнатга яроқли кишилар фронт ва фронт орти ишларига олинган, кексалар ҳамда болалар колхознинг барча оғирликларини кўтарарди. Жўрақулнинг ўқиси Холиқул ҳам саккизинчи синфини тугатиб,

Кунлик режа учун... сургун

қишлоқдошлари қаторида далаға чиқарди. -Иш оғир эди, - дея эслади Холиқул бобо уруш йилларини ёдга олар экан. - Болаларға ҳам катталар қаторида қолқоз нормаси белгиленганди. Эрта-тондан қора кечгача тинимсиз ишлаб, бориға қаноат қилардик.

...Қолқозда бўлиб ўтган умумий йиғилишдан кейин Холиқулни ҳўбса олишди. Катта ўғлидан айрилиб, кўчаға қараб юргани етмагандай,

(Давоми 4-бетда)



Энг кўп йўқотишлар куни

АҚШ президенти Жорж Бушнинг янги стратегиясига биноан уч мингдан зиёд америкалик ҳарбийдан иборат қўшин Ироққа кириб келди.

Уларга Ироқ маркази Бағдодда хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилган. Бағдодда юз бераётган воқеалар шунинг кўрсаткичи. АҚШ раҳбари кўзлаган янги режа самара бермапти. Америкалик ҳарбийлар шаҳарга кириб келиши билан қўшничи янада мураккаблашган. Қўрувчиликлар ва ўзвараонликлар авж олиб кетган. Хабарларга қўра, ўтган яқинда кунда АҚШ ҳарбийлари Ироқда амалиёт бошлаганидан бундан энг кўп йўқотишга дуч келган. Бағдод шаҳрида АҚШ ҳарбий кучларига тегишли вертолётнинг уриб туширилиши ва турли қарама-қаршиликлар бир куннинг ўзидаёқ 27 нафар америкалик аскарни ҳаётдан олиб кетган.

Шифохоналар сотилади

Грузия ҳукумати мамлакат соғлиқни сақлаш соҳасида янги ислохотларни жорий этди.

Грузиядаги жамики тиббиёт муассасалари ва шифохоналар хусусийлаштирилмоқда. Хисоб-китобларга қўра, хусусийлаштирилган шифохоналардан тушадиган инвестиция микдори 200 миллион долларни ташкил этади. Бу маблағларнинг барчаси соҳани ривожлантиришга сарф этилади. Бундан ташқари, фуқароларни мажбурий тиббий суғурталаш йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда. Мамлакат соғлиқни сақлаш ҳолати ўта ачинарли ҳолга келиб қолгани ва омма орасида норозиликларни келтириб чиқараётгани ҳукуматни ана шундай йўл туташига мажбур этган.

Қотил топилди

Туркияда ўлдирилган қотилнинг арман миллатига мансуб журналист Грант Динкиннинг қотили қўлга олинди.

Қузатув камераси орқали аниқланган жиноятчи 17 ёшли талаба Оғюн Самаст бўлиб чиқди. Туркияда чоп этиладиган "Ағос" турк-арман газетаси бош редактори Динк 19 январь кунги офис ашёсиги олдидан отиб ўлдирилган эди. Қотил ўсиригун сузларига қўра, у журналистни "турк миллатини ҳақорат қилгани учун" ўлдирган. Туркия ҳукумати бу ишларнинг ортида кимлар тургани аниқланиши ва жиноятчи қилимига яраша жазоланишини маълум қилган.

Кутилмаган баёнот

Шимолий Корея давлати атом дастурида туб бурилиш ясаши мумкин.

Берлинда АҚШ ва Шимолий Корея расмийларининг махсус учрашуви бўлиб ўтди. Пхеньян вакили Ким Ге Гван Шимолий Корея ҳудудий дастури доирасидаги барча ишларга, жумладан, Йонбэндаги атом тадқиқотлари маркази фаолиятига чек қўйишга тайёргилини айтиб ўтди. "Чосан Ильбо" газетасининг айтишича, бунинг эвазига Пхеньян АҚШдан иқтисодий, энергетик ёрдам ва Delta банкда музлатиб қўйилган ҳисоб рақамларини "озод этилишини" талаб қилмоқда. АҚШ Давлат котибининг Осие ва Тинч океани масалалари бўйича ёрдамчиси Кристофер Хилнинг сузларига қўра, Шимолий Кореянинг ядровий дастури борасидаги бу баёноти кутилмаган ва, айни дамда, келишувларга умид уйғотувчи янгилик бўлди.

Зилзилалар ороли

Индонезиянинг шимоли-шарқий ҳудуди зилзилалар куришда қолди.

Хабарларга қўра, мамлакатнинг бир неча оролларида 14 соат мобайнида 19 марта ер силқиниши кузатилган. Энг кучли зилзила кучи Рихтер шкаласи бўйича 7,3 баллга етган. Индонезияга қўшни Малайяда давлатда ҳам кучли ер силқиниши кузатилган бўлиб, денгиз суварининг кўтарилиши хавфи эълон қилинган. Сейсмологларнинг маълум қилишича, ушбу давлатларда яна бир неча зилзилалар юз бериши мумкин. Талафотлар микдори ва ҳалок бўлганлар сони ҳақида хабарлар тарқатилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 23 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божбона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	980,34	1 Польша злотийси	418,38
1 Англия фунт стерлинги	2453,22	1 СДР	1854,90
1 Бразилия реаллари	216,33	1 Туркия лираси	877,57
1 ДАА дирҳами	338,23	1 Швейцария франки	995,75
1 АҚШ доллари	1242,20	1 ЕВРО	1611,63
1 Миср фунти	218,12	10 Жанубий Корея вонини	13,23
1 Испания кронаси	17,88	10 Япония иенаси	102,41
1 Канада доллари	1059,26	1 Россия рубли	46,86
1 Хитой юани	159,76	1 Украина гривнаси	245,98
1 Малайзия рингитини	354,56		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъжур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Куч-қудратимиз - ақиллик ва ҳамжиҳатликда

Республика Байналминал маданият маркази мамлакатимизда фуқаролар тотувлиги муҳитини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда. Бу ўзига хос жамоат бирлашмаси пойтахт ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган кўплаб миллий-маданий марказларга ҳар томонлама амалий ёрдам бермоқда. Уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашда хизмат қиладиган дунёқарашни шакллантириш учун услубий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Ана шу эзгу мақсадларга қаратилган тадбирлар ўтказишда, тажриба алмашиш, давлат дастурларининг ижросини таъминлашда миллий-маданий марказларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. «Ҳомийлар ва

Бухоро томонларда Сардоба таъмирланмоқда

Қорувулбозор шаҳарчасига қираверишдаги қадимий сардоба таъмирланаяпти.

Қўна обидани асл ҳолга келтириш, атрофидаги салкам етти гектар майдонни ободонлаштириш ишларига Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ҳомийлик қилаяпти. Бу ерда кўплаб қурилиш ташкилотлари қаторида Жондор 4-кўча механизациялашган жамланма бунёдкорларининг ҳам учратиш мумкин. Бу ташкилот қурувчилари Наврўз байрамига чак объектда 300 миллион сўмлик иш бажарадилар. Айтиш жоизки, Зарафшон воҳасидан ўтган Буюк Ипак йўли ёқасида барпо этилган сардобалардан факатгина бештаси сақланиб қолган. Улар давлат муҳофазасидадир.

Болалар учун стипендия

Болалар жамғармаси вилоят бўлимининг рағбатлантирувчи стипендиялари эгалари номи аниқ бўлди.

Уқиш ҳамда санъатнинг турли соҳаларида ўз иқтидорини намоён этган бир гуруҳ ўғил-қизлар ўқув йили охиригача жамғарма стипендияларини олиб борадилар. Улар орасида вилоятнинг чекка қишлоқларида яшовчи ёшларнинг ҳам борлиги диққатга молиқдир.

Коллежнинг мини-фабрикаси

Когон сановат-транспорт касб-хунар коллежи Ўзбекистон-Польша таълим лойиҳаси гранти танловида голиб чиққанди.

Шу грант ҳисобига олинган 670 минг евро миқдоридида маблағ мини-фабрика ташкил этишга асос бўлди. Бу ерда коллеж ўқувчилари хунар ўрганиш билан бир қаторда, бюуртма асосида кўрпа-ёстиқ жилдларини тикишмоқда. Коллеж жамоаси сал аввалроқ Германиянинг КФВ банк ва техник ҳамкорлик жамияти грантини қўлга киритиб, етмиш учта компьютерга эга ягона ахборот тармоғига уланган эди.

Истам ИБРОХИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

на соломмайди.

Республика Байналминал маданият маркази мамлакатимизда фуқаролар тотувлиги муҳитини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда. Бу ўзига хос жамоат бирлашмаси пойтахт ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган кўплаб миллий-маданий марказларга ҳар томонлама амалий ёрдам бермоқда. Уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашда хизмат қиладиган дунёқарашни шакллантириш учун услубий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Ана шу эзгу мақсадларга қаратилган тадбирлар ўтказишда, тажриба алмашиш, давлат дастурларининг ижросини таъминлашда миллий-маданий марказларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. «Ҳомийлар ва

Минтақавий семинар

Самарқанд шаҳрида Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ҳамда шаҳарлар ҳокимлари иштирокида минтақавий семинар ўтказилмоқда.

Анжуманда Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида белгиланган қарорларнинг амалга оширилишига алоҳида эътибор берилган. Ушбу маърузанинг асосий қисмида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг туб мақсади халқ фаровонлигини ошириш, инсон манфаатларини ҳимоялашга қаратилгани таъкидланди. Давра суҳбати шаклида ташкил этилган аънавий ўн кунлик ўқув-мунозара машғулотларида иштирок этаётган раҳбарлар зиммасидаги ана шундай долзарб ва

Алп ўғлонлар юртни шарафлайди

Ҳарбий хизматчилар ўртасида жаҳон чемпиони, жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори, Ўзбекистон чемпиони, "Шухрат" медали соҳиби, катта лейтенант Дилшод Махмудовни олайлик. Бу ҳарбий спортчи Ватан байроғини дунё узра мағрур кўтариб, ёшларимизда миллий ғурур, фарқ-иштихор туйғуларини шакллантиришда намуна бўлмоқда.

Шунингдек, оғир атлетика бўйича Осие чемпиони, Осие ўйинлари совриндори, Ўзбекистон чемпиони, шартнома бўйича хизмат сержанти Игорь Халилов, дэждо бўйича ҳарбий хизматчилар ўртасида жаҳон чемпионатининг кумуш медали соҳиби, кураш бўйича жаҳон чемпиони, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Рамзиддин Саидовларни чексиз фахрланиш туйғуси билан тилга олмаб буларканми?!

Хуллас, бундай ютуқларни, муваффақиятларни узоқ санашимиз мумкин. Булар баркамоллик, жисмоний маҳоратини ошириш сари янги-янги одимлар ташланаётганидан, баркамол авлоднинг тарбиялаш йўлидаги устувор мақсадлари ўз самарасини бераётганидан бир далолат, ҳолос.

Ўрганган кўнги...

Бугун Муқаддаснинг туғилган куни. Қизга изхори дил қилишга қулай фурсат келганидан суюнган Азиз саҳармардонлаб Муқаддаслариникига йўл олди. Унинг учун бу ҳовлининг эшиги доим очик, Болалигиданок Азиз шу хонадонга йўлдек бўлиб қолган.

Кечга бориб ҳовлига ёшланг туғилиши. Уйин кунги бошланди. Шампань виноси танани қиздириб, Азизнинг "потрилагини" юрага куч бергандек бўлди. Спиритли ичимлик таъсиридан у Муқаддасни холироқ жойга қақчириб, мурдасини айтди. Эндигина ўн беш ёшлари қарши олган Муқаддасга йигитнинг гаплари хуз ёқиб, шу кунги ўзини Азизнинг иштиғибига топшириб қўйди. Ҳали ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган қизгина катта хато қилганини тушуниб етишга ҳам улгурмай, бу ҳол яна икки мартаба такрорланди. Сўнгра Азиз туз еган хонадондан бутунлай овғини тортиди.

Ҳали ок-қорани танимаган, норасида қизалоқ вужудидида галати ўзгаридан хасталаниб, ётиб қолди. Муқаддас кун сайин изтиробдан "ичимлигини топ", дейдиган бўлиб бораверди. Қизининг ранги рўйидан хавотирланган онаизор поликлиникага борганидигина унинг хомиладор бўлиб қолганидан хабар топди.

Қишлоқда бу тўғрида тарқалган гап-сузлар оила шарҳига доғ туширди. Отанинг ҳам, онанинг ҳам номуздан боши эгилди.

Халқимизда "Ўрганган кўнги ўртаси қуймас", деган нақл бор. Опаси билан бирга ишлайдиган Розия исмли қизининг полуккинаги Азизнинг кўнглини ўртади. Томирларида нафс

қони оқаётган Азиз ўзининг ҳайвоний хирси йўлида ҳар қандай разилликдан тоймасди.

Далада алғиз ишлаётган Розия Азизнинг қизига ожиз қўзичоқдек кўриниб кетди. Оч буридек қизга ташланди. Бечора қизнинг дод-войи хайхотдек дала бағрини тутди. Шу кунги Розиянинг номусти тупроққа қорилди.

Йигитнинг дўх-пўписаларидан қўрқиб кетган Розия бу ҳақда, хаттоки, онасига айтишга ожизлик қилди. Қўнгли ўқиб йўғлади, сиктади, охир-оқибат номусти топталган қиз тақдирга тан беришга мажбур бўлди.

Сўнгра бир неча ой ўтиб, Қуйи Чирчиқ туманидаги бу қишлоқда Розия Азиз билан қочиб кетибди, деган гап ўрланди. Табиийки, Розиянинг уйдагилар бу ҳолатдан хангу ман бўлишди. Оила-си шағнини ўйлаб, гап-сузларга чек қўйиш мақсадида онаизор қизининг ордидан борганида, Розия Азизнинг "Кетиб қолсанг, ўлдираман", деган пўписасидан қўрқиб, онасига хомиладорман, дея ёлгон гапирришга мажбур бўлди.

Бегона ўй, бегона одамларнинг ўқрайган нигоҳлари, Азизнинг дўх-пўписалари Розиянинг жонидан ўтиб, уйда ҳеч ким йўқлигида бу зиндондан қочиб кутулди.

Розиянинг кетиб қолганидан хабар топиб, ғазабланган Азиз аламиндан ичай, деса чўнтағида бир-мири йўқ.

Жиноятга жазо муқаррар

Ховлисида юрган товуқларни бозорга олиб чиқиб, пуллағач, эски ўлфатлари билан чойхонада "шайтон суви"дан тўйғунча ичди. Уйига қайтаётганида Розия ва унинг тоғаси Қасимнинг кўрди унинг қалбида қасос ўрди алангалади.

Ҳовлисида юрган товуқларни бозорга олиб чиқиб, пуллағач, эски ўлфатлари билан чойхонада "шайтон суви"дан тўйғунча ичди. Уйига қайтаётганида Розия ва унинг тоғаси Қасимнинг кўрди унинг қалбида қасос ўрди алангалади.

Ҳовлисида юрган товуқларни бозорга олиб чиқиб, пуллағач, эски ўлфатлари билан чойхонада "шайтон суви"дан тўйғунча ичди. Уйига қайтаётганида Розия ва унинг тоғаси Қасимнинг кўрди унинг қалбида қасос ўрди алангалади.

Ҳовлисида юрган товуқларни бозорга олиб чиқиб, пуллағач, эски ўлфатлари билан чойхонада "шайтон суви"дан тўйғунча ичди. Уйига қайтаётганида Розия ва унинг тоғаси Қасимнинг кўрди унинг қалбида қасос ўрди алангалади.

Ҳовлисида юрган товуқларни бозорга олиб чиқиб, пуллағач, эски ўлфатлари билан чойхонада "шайтон суви"дан тўйғунча ичди. Уйига қайтаётганида Розия ва унинг тоғаси Қасимнинг кўрди унинг қалбида қасос ўрди алангалади.

Боғбони бор юрт

(Боши 1-бетда)

Ислохотларнинг асосий босқичида жамоа ҳўжаликлари ва деҳқон ҳўжалиқларининг фаолияти танқидий таҳлил этилди ва барча давлат ҳамда жамоа қишлоқ ҳўжалиги қорхоналари, биринчи навбатда, зарар қўриб ишлаётган ширкат ҳўжалиқларини фермер ҳўжалиқларига айлантириш механизми жорий қилинди.

Фермер ҳўжалиқлари қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият кўрсатишлари лозим, — дейди давлатимиз раҳбари. — Чунки иқтисодий жиҳатдан эркин бўлган фуқаро, ҳақиқий мулкдоргина ўз мол-мулкини самарали тасарруф этишдан, ўз бойлигини қўлайтиришдан манфаатдор бўлибгина қолмай, балки бутун мамлакатни бойитишга ҳам қодир бўлади. Беш одамларни ер билан таъмин этмай туриб, уларда келажакка ишонч тўғрисида йўғотмайлиги, уларнинг меҳнатлари самарасидан фазилатлари ва набиралари фойдаланишлари мумкинлигига ишонч туғдира олмайди.

Дарҳақиқат, одамларда келажакка ишонч йўғотиш мақсадида қишлоқ ҳўжалиги ерларини мерос қилиб қолдириш ҳўқуқи билан умрбод фойдаланишга бериш бўйича қимодоли савдолари ва тендер танловлари ўтказиш аънамага айланди.

Ер соҳиби бўлган деҳқон, аввало, қонунларга, давлат қаролиғига ишонган чоғидигина ўзининг бутун куч ва имкониятларини юзага чиқаради, борлиги билан чин юракдан ишга киришади. Шу мақсадлар йўлида фермер ва деҳқон ҳўжалиқлари фаолиятини янада жонлантириш учун 1992 йил 3 июлда қабул қилинган "Деҳқон (фермер) ҳўжалиқлари тўғрисида"ги Қонун тўбдан қайта ишланиб, 1998 йилда "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги ва "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ги алоҳида-алоҳида Қонунлар қабул қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари "Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги 2003 йил 24 мартда қабул қилинган Фармонида "...истикболда асосий қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқарувчи субъект қўлга қаданган фермер ҳўжалиқларини ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилаб" берди.

2004 йилда келиб фермер ва деҳқон ҳўжалиқлари ҳўқуқларини янада кенгайтирадиган ва улар ривожига қаролат берадиган бу қонунлар янги қўшимча ҳамда ўзгартиришлар билан тўлдирилди.

Айниқса, 2005-2006 йиллар зарар қўриб ишлаётган ширкат ҳўжалиқларини фермер ҳўжалиқларига айлантиришга, таъбир жоиз бўлса, туб бурилиш даври бўлди. Президентимизнинг 255-сонли қарори асосида махсус комиссиялар тузилди, тендер танловлари ўтказилиб, ошкоралик ва адолат тамойилларига таянқилинган ҳақда кенчаги зарар қўриб ишлаётган ширкат ҳўжалиқлари ўрнида минглаб фермер ҳўжалиқлари ташкил этилди.

Туғатилган ширкатлар ҳудудида фермер ҳўжалиқларига хизмат кўрсатадиган мини-банклар, муқобил машина-трактор парклари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар, турли тара идишлари ишлаб чиқариш ва сотиш шохобчалари ташкил этишга, қискача айтганда, фермер оғирини ёнқил, мушкулчини осон қилишга йўналтирилган бозор инфратузилмаси шакллантирилди.

Президентимиз гамаўлиги ва раҳнамоллигида аграр тармоқнинг, қишлоқ кишиларининг бугуни ва эртасини қўлаб қўриган юқоридида ички чора-тадбирлар ўзининг ёрқин натижасини берди.

Президентимиз Вазирад Маҳкамасининг 2005 йил яқунлари ҳамда 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида "Кичик бизнесни ривожлантириш ва фермер ҳўжалиқларини шакллантиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилишига алоҳида эътибор бериш ва бу масалада қатъий назорат ўрнатиш зарур", деб таъкидлагани бежиз эмас. Шунинг алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, фермер ҳўжалиқларининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши ҳамда шу жараёнга бевосита боғлиқ бўлган қишлоқдаги туб ислохотларнинг самарали амалга оширилиши жуда оддий, аммо муҳим бир тамойилга асосланишни унутмаслигимиз керак. Яъни, бу борада фермерларнинг шахсий манфаатдорлиги биринчи ўринда туриши даркор. Бу мақсад қишлоқларимиз ҳаётини ўзгартириш борасида олиб борилаётган барча ислохотларимизнинг асосий ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолмоғи зарур.

(Давоми бор)

Орзуғул РУСТАМОВА

*Сўраш,
жавоб
берамиз*

Фермер ён дафтарига

(Давоми. Боши газетамизнинг ўтган сонларида)

МОРАТОРИЙ – қарздор юридик шахс томонидан пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар мажбурияти бажарилишини тўхтатиб туриш;

ПУЛ МАЖБУРИЯТИ – қарздорнинг фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси бўйича ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга қўра кредиторга муайян пул суммасини тўлаш мажбурияти;

СУД БОШҚАРУВЧИСИ (муваққат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси) – банкротлик таомилларини ўтказиш мақсадида ҳўжалик суди томонидан тайинланган шахс;

СУДГАЧА САНАЦИЯ ҚИЛИШ – қарздор юридик шахсининг муассислари (иштирокчилари) ёки унинг мол-мулки эгалари, кредиторлар ва бошқа шахслар томонидан қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда банкротлигининг олдини олиш мақсадида қўриладиган чора-тадбирлар;

СУД САНАЦИЯСИ – ҳўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидagi қарзини узиш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили;

ТАШҚИ БОШҚАРУВ – ҳўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини ташқи бошқарувчига ўтказган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили;

ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ – ҳўжалик суди томонидан кредиторларнинг талабларини мутаносиб равишда қондириш ҳамда қарздорни қарзлардан қутулган деб эълон қилиш мақсадида банкрот деб топилган қарздорга нисбатан қўлланиладиган банкротлик таомили;

ШАХАРНИ ТАШҚИЛ ЭТУВЧИ ҚОРХОНА ҲАМДА УНГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ҚОРХОНА – ҳодимлари уларнинг оила аъзоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, тегишли аҳоли пункти аҳолисининг камида ярмини ташқил этувчи ёки ҳодимларининг сони камида ўч минг киши бўлган ёхуд давлатнинг мудофаса қобилияти ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи ёки табиий монополиялар субъекти бўлган юридик шахс;

ҚАРЗДОР – пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган юридик шахс ёхуд яқка тартибдаги тadbиркор;

ҚАРЗДОР МУАССИСЛАРИНИНГ (ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ) ЁКИ ҚАРЗДОР МОЛ-МУЛКИ ЭГАСИНИНГ ВАКИЛИ – банкротлик таомили ўтказилаётганда, қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкнинг эгаси ваколат берган шахс;

ҚАРЗДОР ҲОДИМЛАРИНИНГ ВАКИЛИ – банкротлик таомили ўтказилаётганда, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун қарздорнинг ҳодимлари ваколат берган шахс;

ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИ ҚОРХОНАСИ – қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжалиги), фермер ҳўжалиги ва юридик шахс ташқил этган ҳолдаги деҳқон ҳўжалиги, шунингдек, фаолиятининг асосий тури товар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини етиштиришдан иборат бўлган бошқа юридик шахслар.

ЛОМБАРД – фуқаролардан бошқий истеъмолга мўлжалланган қўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш ихтисослашган лицензияси бўлган ташқилот.

Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш ҳақидаги шартнома ломбард томонидан гаров паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади.

Гаровга қўйилаётган ашёлар ломбардга топширилади. Ломбард гаровга қабул қилинган ашёларни гаровга қабул қилиш пайтида шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёларнинг нархларига мос баҳодаги тўлик суммасида ўз ҳисобидан гаровга қўйовчи фойдасига сўғурталаш шарт.

Ломбард гаровга қўйилган ашёлардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақли эмас.

Тайёрловчи: **Ғайрат АБДУЛЛАЕВ, ҳуқуқшунос.**

(Боши 1-бетда)

Вилоятимизда яхши ҳосил беради зайтун...

Менга анча-мунча нарса аён бўлди. Аммо зайтун масаласининг қоронғи томонлари кўп. Кўнглимни қийнаётган саволларимга жавобни қаердан олишим мумкин? Айниқса, битта савол мени жуда қийнади. Наҳотки шу пайтгача зайтун билан Сурхондарёда ҳеч ким қизиқмаган бўлса?

Деновдаги Жанубий Ўзбекистон тажриба станцияси... Уни "Денов дендрарийси", дейишади. Сурхондарё ёғдорчилигига жуда катта ҳисса қўшган олим, фан номзоди Қайнар ака Файзиев билан суҳбатимиз зайтун ҳақида кетди.

– Эшитиб юрибман... Зайтун ҳақида гап қўлайди. Лекин анча-мунча куруқ гап. Илмий асоси йўқ, – дейди олим.

– Қайнар ака, зайтун Сурхондарёга энди келдимиз? Ёки олдин ҳам бўлганми? – дейман жуда билгим келиб,

– Зайтун 1937 йили Сурхондарёга олиб келинган. Мен яқинда илмий тажриба ҳўжатларини, қундаликларини варақлаб чикдим. Зайтунни субтропик ўсимликлар бўйича олим Борис Мергеевич Розинов Денов дендрарийсига Қримдан 10 тул келтирган. Афсуски, бу зайтунлар узоққа бормаган... Иссиқсеварда. Хурсанд бўладиган жиҳати, 2005 йилдан давлатимиз томонидан зайтунга жуда катта эътибор қаратилди. Давлат гранти ажратилди. Мак-

сад - зайтунни илмий ўрганиш, Сурхондарёда кўпайтириш.

– Мени кечирасиз, Қайнар ака, ҳозир Сурхондарёда зайтунни ўстираётдилар. Хабарингиз борми? – Урни келганда бир гапни айт-

навли қаламчасидан кўчат қилиб, минглаб кўпайтириб, гектар-гектарлаб экиш жуда катта хатони келтириб чиқариши мумкин. Менимча, илмий ўрганилган, синовдан ўтган, шароитимизга мос, сертификат олган навларини кўплаб экиш мақсада тарқатилган кўчатлардан аҳоли ҳам, фермерлар ҳам, халқимиз ҳам жуда катта, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий зарар кўради. Ҳозир тажриба станциямизга раҳбар бўлиб келган Тўлқин

навларини дарахтини кўпайтирдик. 4000 туб кўчатни сотишга тайёрладик. 3-4 йил ичида кафолатланган зайтун кўчатларини етиштиришни режалаштирялгимиз.

Биология фанлари номзоди Қайнар Файзиев айтмоқчи, зайтунни илмий-амалий асосда мослаштириш ва кўпайтириш даркор. Маълумки, зайтун билан боғлиқ илмий ишлар неча мартабала тўхтаб қолган. Шуни назарда тутиш керакки, бу гал уни охирига етказиш

жуда муҳим. Зайтунни мослаштириш ва кўпайтиришни ўрганиш давлат гранти асосида йўлга қўйилганлиги ниҳоятда хайрли иш бўлган. Зайтун Сурхондарёда ҳосилдор давлатга айланадими? Буни энди вақт кўрсатади.

– Зайтун мойи керак эмасми? – Зайтун мойи? Жуда керак! – Сурхондарёда истаганча топилади... Яқин йиллар ичида шундай гап-сўзларни эшитиб қолсак, ажаб эмас.

Ахир, яхши ният яхши-да!

Менгвор **ОЛЛОМУРДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.**

Сурхондарёда



масам бўлмайдим, – Қайнар Файзиев биров ўйга толиб, дедилар, – олайлик, зайтун... уни Сурхондарёга мослаштириш, кўпайтириш, ундан минг тонналаб зайтун мойи олиш, катта бойлик топиш баъзи қизиқувчиларга жуда осон бўлиб қўринади. Гўё зайтунни экишда, кўчатини минг-минглаб кўпайтиришда, зай-

зайтун ўсадими?

йилда шунга эришилса. Бу жуда оғир иш, узок жараён.

Битта қиррасини айтмай. Зайтуннинг 800 га яқин нави мавжуд. Айнан қайси нави ёки тур Сурхондарёга мослашиши мумкин?! Буни аниқлашни хаёлингизга келтириб кўринг. Туркменистоннинг Қорақалъа тажриба станциясида 100 дан ортиқ нав экилган. Еввойи, манзарали, ҳосилдор навлар, кам ҳосилли, меваси сифатсиз ёки сифатли навлар... Яна қанча-қанча навлар. Ҳозир Сурхондарёда қизиқиб, зайтун ўстираётганлар кўлидаги кўчатнинг қандай нав эканлигини билармикан? Дабдурустдан қайсидир

Қобилов зайтун дарахти борасида илмий ишни олиб бормоқда.

Тўлқин Қобилов билан ҳам учрашдик.

– Зайтун ноёб дарахт, – дейди Т.Қобилов. – Унинг ватани Кичик Осиё ва Греция. Буёғи Қримда, Озарбайжонда, Туркменистонда ўсади. Нозик томони – 14 даражада совуқ уради. Буни ўрганиш, мослаштириш лозим шароитимизга. Зайтуннинг қаламчасини шонинг қайси қисмидан олса, ҳосилдор бўлади? Пайванди-чи? Сурхондарё муҳитида чангланми... Излашнилар бораёпти. Қолаверса, тажриба станциямиз банан устида ишляпти. Ҳиндистондан келтирилган

Сирдарё янгиликлари

Иш қуролинг соз бўлса

Сирдарёлик деҳқонлар чигит экиш мавсумига тайёрликни авж олдиришмоқда.

Айниқса, мавжуд техника, механизмларни таъмирлаб, соғайиб, мавсумга тайёрлаб қўйишга катта эътибор берилапти. Таъкидлаш керак, бу йил вилоятдаги мавжуд 813 саялка, 1802 та культиватор, 2148 та чолик трактори, 9771 та борона, 230 та чизел туманлардаги МТПлар ва муқобил машина-трактор паркларига йиғилиб, таъмирлаш ишлари марказлашган ҳолда ташқил этилди. Жойларда таъмирловчилар учун қулай шартшароит яратилиб, иссиқ овҳат ташқил қилинган, иш ҳақи вақтида берилгани туфайли барча техника, механизмлар мавсумга барвақт тайёр қилиб қўйилди.

Шўр ювиш – муҳим тadbир

Бу йил вилоятда 115,3 минг гектар майдонга чигит экилади. Сирдарёда ернинг шўрлини ювмасдан туриб, ҳосилдорликни ошириш қийин масала. Шу боис, вилоятдаги асосий экин майдонларининг шўрлини ювиш қўзда тутилган, – дейди қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Абдумавлон Ибодуллаев, – Ҳозиргача 73 минг гектар

майдоннинг шўри ювилди. Бу йил чигит экиладиган майдонларнинг тўлиқ шўрлини ювишга ҳаракат қилаёلمиз. Шўр ювиш ишларига 1683 нафар сувчи жалб қилинган. Улар учун далага 24 та вагон, 44 та палаткалар ўрна-тиб берганмиз. Иш ҳақи пешма-пеш етказилмоқда. Шўр ювиш тadbирининг бориши, унинг сифати кечаю кундуз мутахассислар назоратида. Бу муҳим агротadbирни биринчи февралгача тугатишни қўзлаб турибмиз. Бу ишларда, айниқса, Гулистон, Сайхунобод, Сирдарё туманлари фермерлари ибрат бўлишаётир.

Биолабораториялар таъмирланди

Вилоятдаги 50 та биолабораторияда ҳосил зараркундаларига қарши олтинкўз, трихогарма, хабрабракот каби биомасулотлар тайёрланади. Айни кунларда ушбу биолабораториялар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, жиҳозлари янгиланди. Шакар, арпа, мева каби озуқа маҳсулотлари етказиб берилди. Асосий мақсад – биомасулотларни янгилаш ва мавсумга пухта тайёргарлик кўриш. Соҳа мутасаддиларининг айтишларича, мазкур биолабораториялар қуввати билан 115 минг гектар ғўзани зараркундалардан тўла ҳимоя қилиш имкони бор.

Шомурод **ХОЛМУРДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.**

Давлат-тижорат Халқ банкининг «Фурсат» ютуқли омонати бўйича 2007 йил 20 январда Бухоро шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Т/р	Ютуқ миқдори (сўм)	Вилоят	Филиал	Муассаса	Ҳисобварақ рақами
1	1 000 000	Қорақалпоғистон	Республика филиали	046	1
2	250 000	Тошкент шаҳар	Шаҳар филиали	0317	9
3	250 000	Бухоро	Вилоят филиали	Амалиёт бўлими	43
4	200 000	Сирдарё	Мирзаобод	02	1
5	200 000	Тошкент шаҳар	Шаҳар филиали	0603	1
6	100 000	Қашқадарё	Қамаши	08	1
7	100 000	Қорақалпоғистон	Беруний	047	2
8	100 000	Бухоро	Вобкент	019	11
9	50 000	Қорақалпоғистон	Мўйноқ	Амалиёт бўлими	15
10	50 000	Тошкент вилоят	Бўка	Амалиёт бўлими	2
11	50 000	Андижон	Избоскан	Амалиёт бўлими	23
12	50 000	Қашқадарё	Қамаши	02	1
13	50 000	Андижон	Жалолқудуқ	Амалиёт бўлими	1
14	50 000	Хоразм	Хонқа	03	1
15	50 000	Қорақалпоғистон	Тахтақўпир	09	6
16	25 000	Сурхондарё	Жарқўрғон	035	108
17	25 000	Бухоро	Вилоят филиали	Амалиёт бўлими	40
18	25 000	Тошкент шаҳар	Шаҳар филиали	0106	13
19	25 000	Қашқадарё	Муборак	Амалиёт бўлими	8
20	25 000	Бухоро	Ғиждувон	Амалиёт бўлими	2
21	25 000	Тошкент вилоят	Куйи-Чирчиқ	Амалиёт бўлими	4
22	25 000	Навоий	Вилоят филиали	09	3
23	25 000	Тошкент вилоят	Янгийўл	Амалиёт бўлими	4
24	25 000	Жиззах	Мирзачўл	04	1
25	25 000	Қорақалпоғистон	Беруний	01	3
26	10 000	Наманган	Янгиқўрғон	032	2
27	10 000	Тошкент шаҳар	Юнусобод	Амалиёт бўлими	20
28	10 000	Навоий	Нурота	Амалиёт бўлими	7
29	10 000	Бухоро	Ф.Хўжаев	052	8
30	10 000	Тошкент шаҳар	Юнусобод	Амалиёт бўлими	11
31	10 000	Навоий	Навбахор	08	5
32	10 000	Тошкент шаҳар	Юнусобод	Амалиёт бўлими	135
33	10 000	Тошкент шаҳар	Шаҳар филиали	0317	15
34	10 000	Бухоро	Ғиждувон	032	8
35	10 000	Бухоро	Вилоят филиали	Амалиёт бўлими	29
36	10 000	Навоий	Нурота	08	2
37	10 000	Фарғона	Бешарик	03-сайёр касса	2
38	10 000	Тошкент шаҳар	Юнусобод	Амалиёт бўлими	277
39	5 000	Қорақалпоғистон	Хўжайли	026	6
40	5 000	Тошкент вилоят	Оҳангарон	01	13
41	5 000	Навоий	Навбахор	08	8
42	5 000	Қорақалпоғистон	Эликқалъа	Тоша-Амиробод м/б	2
43	5 000	Бухоро	Вобкент	019	21
44	5 000	Сурхондарё	Олтинсой	Амалиёт бўлими	8
45	5 000	Сурхондарё	Жарқўрғон	035	70
46	5 000	Тошкент вилоят	Оҳангарон	015	7
47	5 000	Хоразм	Ҳазорасп	011	3
48	5 000	Наманган	Поп	07	1
49	5 000	Тошкент шаҳар	Шаҳар филиали	0255	4
50	5 000	Қорақалпоғистон	Кегейли	Амалиёт бўлими	4
51	5 000	Тошкент шаҳар	Шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	11
52	5 000	Бухоро	Вобкент	019	1

Ҳайъат раиси – Бухоро шаҳар ҳокимининг ўринбосари
Масъул котиб – Халқ банки Бошқарувининг Жамғарма ишларини ривожлантириш ва қимматли қоғозлар Департаменти директори

А.К.ҲАМРОЕВ

К.Ф.МАДРАХИМОВ

Утеранный диплом ПВ № 859886, выданный 1993 г. Ташкентским Государственным медицинским институтом на имя Бакировой Зулфии Ильгамовны, считать действительным.	Утеранная круглая печать, выданная на ЧП "Чипилеко Ольга Геннадьевна" Сергелийского района г.Ташкента, считать действительным.	Тошкент шаҳар Учтепа тумани ҳокимлигига қарашли БТИ томонидан Учтепа туманидаги Г-9 "а" даҳаси, 24-ўй 79-хонадонга берилган уй лойиҳа-плани йўқлигини сабабли бекор қилинади.
Утеранное свидетельство № 032790, выданное 08.01.1993 г. Государственным Департаментом Статистики на имя ЧФ YANGI BARAKA (код по ОКПО 17191900), считать действительным.	Утеранный гос.ордер № 08-01/15171 от 22.01.1993 г. права собственности на квартиру на имя Энесбаев Нурлан Абдуллаевич, считать действительным.	Утеранный гос.ордер № 01-01/17777 от 30.03.1993 г. права собственности на квартиру на имя Атаевой Файзинос Нурматовны, считать действительным.



Хасва - ҳосил кушандаси

Бу ҳосил кушандаси галла барги, пояси ва дон шираси билан озиқланади. Шу боис, унга қарши курашиш галларнинг доим эътиборида бўлмоғи лозим.

Қишлоқ ҳўжалиги илмида "зарарли хасва", деган атама бор. Ҳўш, бу нима маънони англатади? Унинг оқибати қандай? Деҳқонча қилиб айтсак, галлачилик учун офат, зиён-заҳмат. Доннинг кушандаси. Хасва ҳамла қилган далада галланинг салмоғи, сифати 50 фоизгача камайди.

Эҳтиёт-шарт

Санчиб кўрувчи оғзи орқали галла барги, пояси ва дони шираси билан озиқланади. Оқибатда, бошқоқ етилмай, дони пуч бўлиб қолади. Оқсил миқдори камайди. Бундай дондан тайёрланган унар сифатсиз бўлади.

ўрта ҳисобда 2 та қишлаб чиққан хасва ёки 7-8 та янги авлод зараркундалари бўлса, бундай далага зудлик билан кимёвий дорилар ёрдамида ишлов бериш керак.

Демак, хасва кўзга кўринмас хашаротгина эмас, балки экинга жиддий зиён етказувчи офатдир. Бу зараркундага қарши галлақору мутахассислар ҳозирданқ курашишга киришиши зарур. Зеро, мақсадимиз мўл-кўл ҳосил, улкан хирмон уйиш. Шундай экан, фурсатни бой бермайлик.

С.РАҲМОМОВ тайёрлади.



(Боши 1-бетда)

Ахир, қишлоқнинг ҳаммаси ўзининг, эрининг қариндош-уруғлари, бегонаси йўқ. Хатто, раис ҳам ўларнинг яқинларидан-ку!

Суд ҳукми билан саккиз йилга Сибирга сургун қилинган Холиқулни Тошкентга олиб боришди. Уч-тўрт кун балинд панжарали катта бинода сақлашди. Бино шу кунлар ичида одамлар билан тирбанд бўлиб тўлди. Қоронги кечада уларни сафга тизиб, юк вагонларига жойлаштиришди.

Шундай қилиб, ўзбекистонлик 460 нафар "халқ душманлари" Кемерово областининг Новокузнецк шахрига равона бўлишди. Уларни НКВД ходимлари, харбийлар қўларига қурол билан қутиб олишди. Бир ҳафталик йўл азовидан чарчаган кишиларни яна сим билан ўралган биного жойлаштиришди.

Эрталаб таҳминан соат ўнларда қандайдир катталар келиб, мажлис ўтказди. - Дес эслайди Холиқул бобо. - Дес тилини билмайман. Шахарлик бир йигит таржима қилиб турди. Гапиратган киши сургун қилинганлар билан шайлайдиган маҳкаманинг катта-

Кунлик режа учун... сургун

си экан. Унинг гапларига қўра, биз озодликдагидек юриб, ишлашимиз, меҳнатимиз эвазига иш ҳақи олишимиз, фуқаро сифатида сиёсий-ижтимоий кафолатлардан тўлиқ фойдаланишимиз, хатто, уйланишимиз ҳам мумкин экан. Тавба, дедим ўзимча, шундай ҳуқуқларга эга бўлиш учун бизни бу ерга келтириш керакмикин? Киш-логимда ҳам бемалол яшашим мумкин эди-ку!

Уни темир йўлга оддий ишчи қилиб олишди. Темир йўл ишчиларини алмаштириш, бўшаб қолган ғайкаларни қотириш, майда таъмирлаш ишлари билан банд бўлди. Қилчични қайраб қиш келиши билан Ўзбекистоннинг юмшоқ совуғига ўрганиб юрган Холиқул бобо. - Бу ерда анча яхши эди. Кейинчалик Бензифа исмли татар қизига уйландим. Умумий ётоқхонадан бир хона беришди. Эллик биринчи йилда ух хонали уй қуриб, қўчиб ўтди. Ўзимизча бахтиёр эдик. Қишлоққа хат ёзиб, уйланганлигимни, ўзимнинг алоҳида уйим борлигини онамга билдирдим.

Орадан уч йилча вақт ўтди. Бу даврда Холиқул шахта тар-

си кута-кута бир йил олдин қазо қилганлигини билди. Район ижрокўмининг раиси қабулига кириб, эрининг ҳужжатларини кўрсатиб, ёрдам беришини сўради. Раис бир даста қозғоларни узоқ ўқиди. Оддийгина "айб" учун сургун қилинган йигитнинг аҳолига ачинди. Меҳнат ютуқларидан қувонди.

Бензифа бу билан чекланмади. Тошкентга бориб, керакли идораларга кирди. Масала ҳал бўлгандан кейин ортига қўйди. -Хотиним қирқ кун деган даврада уйга қайтиб келди. Биринчи бўлиб совуқ хабарни айтганда кўларимдан ёш чиқиб кетди. Онам-а! Онагинам-а! Акамнинг доғи, менинг фироқим адо қилган онагинам-а! Мени кўрмасдан, йўлимга қўз тикиб, армон билан ўтиб кетди. Анча оч-юпун қолгандир? Охири бор бўлганимда қанчалик йиғлаган, бир оғиз гаплар оймай, дардини ичига ютган эди.

Бензифа тасалли берди. Ишлар ҳал бўлиши билан, юртга қайтиш пوزимлигини уқтирди. Орадан бир неча ой ўтиб, "кафолат хати", "сўронома" сургун қилинганлар билан шуғулланувчи идорага етиб келди. Бизга ҳам Ватанга қайтиш учун рухсат берди. Кувончим чексиз эди. Бу совуқ юртга келиб, мангуликка бегона тупроққа бош қўйганларнинг қанчадан-қанчасини ўз кўзларим билан кўрган, менинг ҳам бошимга шундай тақдир битилиши мумкинлигини

қута-кута бир йил олдин қазо қилганлигини билди. Район ижрокўмининг раиси қабулига кириб, эрининг ҳужжатларини кўрсатиб, ёрдам беришини сўради. Раис бир даста қозғоларни узоқ ўқиди. Оддийгина "айб" учун сургун қилинган йигитнинг аҳолига ачинди. Меҳнат ютуқларидан қувонди.



Ғолиблар мукофотланди

Катар пойтахти Доха шаҳрида ўтган XV Осий ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси муваффақиятли иштирок этди, десак муболағга бўлмайди. Қитъанинг нуфузли мусобақасида ҳамюртларимиз 11 та олтин, 14 та кумуш ва 14 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 7-поғонани банд этишганди.

Яқинда ана шу йирик спорт мусобақаси совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрдаги "Осий ўйинлари ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш тўғрисида"ги Фармонида асосан олтин медал тақдирланди.

2000 доллар билан мукофотланди. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري Шавкат Мирзиёев топширди.



Муваффақиятнинг таъкидлашича, Руслан Чагаевнинг бўйи 185 сантиметр. Тўғри, бу гавада билан Валувек боксчи-га қарши "жанг" ўтказиш унга қўйилган кенчади. Лекин Русланинг қўлбал белаушларини қузатган Бокс мутахассислари у рақибларнинг гавада қисмига жуда қучли зарбалор йўллай олганига гувоҳи бўлишган. Айнан шу ҳолат бокс ҳақиқатини яна энгши Валувекга осон бўлмаслигини қандад бонг урил-моқда.

Мақлайдан қутулди, Чагаевга тутилди

21 январь куни Швейцариянинг Базель шаҳрида суперогир вазнда профессионал бокс "жанг"и бўлиб ўтди. Унда WBA йўналиши чемпиони Николай Валувек АҚШлик Жамил Маклайнга қарши рингга қўтарилди.

Мушталашу" қўтилганидек икки боксчининг эҳтиёткор ҳаракатлари билан бошланди. 2-раундда эса Николай Валувек ўнг қўли билан бир неча аниқ зарбаларни амалга оширди. 3-раундда Маклай мунтазам олға интилди. Ана шундай ҳужумлардан бирида у чап оёғини қайириб олди ва "жанг"ни давом эттиролмайдиган бўлди. Кейин маълум бўлишича, бу вазиятда АҚШлик чарм қўлқоп устаси оёғини синдириб олган экан. WBA қўлим-қўлида ларига қўра, гаваба Николай Валувекга ёзилди. Бечора Мак-

Руслан Чагаев профессионал боксда 23 "жанг" ўтказиб, 22 та гаваба ва бир дурангни қайд этган. Николай Валувек эса 46 бор рингга қўтарилиб, барчасида зафар қўчган.

INTERNET хабарлари асосида Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Маданият хабарлари

Зиёбахш умр саҳифалари

Таниқли адабиётшунос ва таржимон Асил Рашидовнинг қўлаб бадиий юксак таржималарини ўзбек китобхоналари севиб мутлоға қилишди. Яқинда А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти томонидан А.Рашидов ижодий фаолиятининг энг эътиборли, ажойиб қирралари қаламга олинган "Зиёбахш умр саҳифалари" рисоласи нашр этилди. Устоз мураббийлар Сайди Умиров ва Бойбўта Дўстқораяевлар ҳаммуаллифлигида ёзилган мазкур рисолада севишли ижодкоримизнинг етук таржимон сифатидаги маҳорати, илмий тадқиқотлари, публицистик мақолалари ҳусусида самимий сўз юритилган.

Кўргазма очилди

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назолат УСМОНОВА). Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида "Мардлар кўрқайди Ватанини" мавзусида фотокўргазма очилди. Кўргазмада миллий армиямизнинг 15 йиллик тарихи ва ҳаёти акс эттирилган юздан ортик фотосурат намойиш этилмоқда. Улар орасида Темир Каримовнинг "Дўстлар", Камолдин Тураевнинг "Соғлом ўс, ўғлим", "Экипаж", Владимир Ковреннинг "Она ва ўғил" каби суратлари фото илосмандлариде, айниқса, катта қизиқиш уйғотмоқда.

Дабдаба камайса, савоб кўпайса...

Президентимизнинг "Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак", деб таъкидлаганлари бежиз эмас. Дунда савоб ишлар кўпайгани сари дунё обод ва фаровон бўлиб бораверади. Айниқса, ҳажга борган ҳожи боболар, ҳожи момолар савоб учун Оллоҳ берадиган мукофотнинг аълолигини биздан минг қарра кўпроқ биладилар. Сурхондарё томонларда ҳожи боболар гурунги деганга ўхшаш бир йигин бор.

Тартиб асосан шундай: 10 нафарини, 20 нафар ҳожи бобо ҳар ойда навбати билан бир кишининг уйида йиғилишди. Ўша хонадон гўзал тўйхонага айланади. Қўйлар сўйилади, Дуст-биродарлар чақирилади. Дастурхонлар нозу-неъматга тўлади. Кечкурун қайтиш олдидан ҳар бир ҳожи дастурхонага 10 минг, 20 минг сўм пул ташлайди.

Менинг бир тақлимим бор, - дейди сув ҳўжалиги мутахассиси Худайназар Ўтаев, - олайлик, бир туманинг ҳожилари ўша пуллари билан жойга тўғласа, 2 миллион сўм булар экан, бу пулга ҳар йили битта яхши кўприк қурдирса бўлади. Юртбошимиз ташаббуси билан қанчалаб кўприклар бунёд этилаётганлиги, ҳожилар ташаббуси билан зўр кўприклар обод қилинса, ҳам савоб, ҳам юрт обод, ҳам эл ҳожи боболардан миннатдор бўларди.

Худайназар аканинг гапи эътиборга молик. Ахир, ҳажнинг давоми ва шарофати ўлароқ, бу азиз инсонларга эл ҳўрмати янада ошарди. Ҳожи боболардан ўрганаёлик, у кишиларга минг раҳмат, дейишарди одамлар. Ҳажга бориш осон эмас. Моддий маблағи бор, бели бақувватроқ кишилар Мақкага боришади. Элимизда "Толганингиз тўйга буюрсин", деган нақл юради. Бунга эътирозим йўқ. Бирок бу борада уйлаб кўрадиган ҳоллар ҳам мавжуд. Умумий маънода, тўйларимизнинг тури 100 дан ошиб кетди: бешик тўйи, суннат тўйи, ўғил уйлантириш, қиз чиқариш, қиз гурунги, синфдошлар учрашуви, ўттиз ёш тўйи, қирқ ёш тўйи, эллик ёш тўйи, олмиш, етмиш, саксон ёш тўйи, диплом тўйи, уй тўйи...

Биз, назаримда, ҳашаматли тўйо-томошаларга, дабдабали базму асасаларга, ҳавойи қим ошдиларга, шу билан обрў топишларига ўчмизми, дейман. Менга шундай тўлоладики, битта қишлоқдаги тўйо дабдабаларга кетаётган маблағни ярмига қисқартириб, қишқинагича, чиройли, маданиятли тўй ўтказилса, қолган маблағ билан шу қишлоқнинг чиройини, ичимлик сувини, кўчасио кўпригини, газини, қўйналган оилага ёрдамни, ўқитганларга қўмакни... кўнглидагидек ҳал этса бўлади. Бу ҳам савоб, ҳам ободлик, ҳам тежамкорлик, ҳам эртанги кунга ёруғ пойдевор яратарди. Дўгпини ерга қўйиб, уйлаб кўрадиган пайт келмадимикин?!

О. МУРОДОВ

Ўзбек кураши дунёга танилди.

Ҳозир жаҳоннинг ҳамма мамлакатларида оқ ятак кийиб, белбоғ боғлаб, майдонга тушаётган йигитларни кўриб, беихтиёр кўзингга қувонч ёшлари келганини билмай қоласан киши. Бу кўна спорт ўйини, аслида, минг йиллар давомида Ватанимиз, халқимизнинг орияти бўлиб келган.

Ўтган асрнинг бошларида Бойсунда бир тўй бўлган эди. Ўлкамизнинг ҳамма жойидан одамлар келганди, - деб гурун бошлари кекса отахон. - Кўпқари, кураш берилди. Улоқ ўйинида ўзимиз ютдик. Лекин курашда омадимиз чопмади. Бош полвонимиз ютқизиб қўйди. Кўза суртган кишимизнинг бу аҳволга тушиши ҳаммаимизни мул-

қурмаган, аёл кишининг сўзидан ори келиб, ўзини ўртага солган экан. Шундай бўлса ҳам даврабоши айтган гап-отилган ўқ.

Ҳалиги рақиб полвон даврани икки марта айланди. Пирим эса майдоннинг қоқ ўртасида тураверди. Одатда, биринчи ушлашганда саломлашиб, қўйиб юборилади. Аммо Пирим рақибини



шундай қулочкашлаб, қисиб ушлаб, ўз тепасига баравар қилиб, кейин шундай гурсиллатиб ерга ташладики, айримлар буни сезмай ҳам қолишди. Шунда бойсунликлар даврага чиқиб, уйнаб кетишди. Полвонни қўтариб, майдонни уч-тўрт марта айлантиришди.

Даврабоши "Кураш тамом" деб зўрга улгурди. Шу куни Бойсунда ҳеч кимнинг уйида тун билан қироқ ўчмади. Янги полвонни улуғлаб қўйлар сўйилди, сайр-сафолар қилинди. Илгари Бойсунда ҳеч пахлавон йқилмасди. Пирим чўпон оримизни олиб берганди. Сўхбатдошим хурсандлигидан даврада "учиб" кетгудай бўларди. Ҳа, кураш ҳаммаш шунча қайфият тўғдиради. Мухаммадҷон БЎТАЕВ

Полвоннинг ори

зам қилди. - Бошқа пахлавон борми? - сўради даврабоши.

- Ийигитлар бўлмаса, мен чиқаман, - деди сафда турган бир салобатли аёл. - Мен аёл киши билан олишмайман, у йикитса - ўлганим, мен йикитсам - уят, - эътироз билдирди ўртага чиққан рақиб томон полвони. Шунда олдинда девдай бўлиб ўтирган Пирим исмли чўпон сўз қотди: - Аёлни курашга чиқариш бизга ҳам уят, мен чиқаман шу йигитни. Даврабоши: - Тўйда биринчи ўринда кетаётган полвон бизнинг полвонимиз чиқади, - деб эълон қилди. Халиги Пирим деган чўпон курашиб

АВТОТРАНСПОРТ - КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

6 ўринли, 1,5 тонна юк қўтарувчи, "GAZ-330232-Фермер" автомашинаси

"GAZ-3202" русумли тентли юк машинаси

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬУТЕРИ

"GAZ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринлиқли, 0,8 тонна юк қўтаралган фурголар, 6-15 ўринлиқли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш истаган усулда!

"GAZ-3309" русумли 4,5 тонна юк қўтарувчи машина

"GAZ-3309" русумли нон ташин машинаси

"GAZ-3309" русумли 4200 литр ситимли султ ташин машинаси

"GAZ-3221" русумли 15 ўринли микроавтобус

"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси

700015, Тошкент, Шаҳрсаба кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Республика давлат ветеринария Бош бошқармаси

2007 йил учун ҳайвонларнинг касалликларига қарши ишлатиладиган қўйидаги ветеринария препаратларини сотиб олишга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. оксил (А, О, Осий-1 тип)
2. оксил (қўчқалар учун)
3. куйдириги
4. кутуриш
5. брэдзот
6. қорасон
7. бруцеллёз (шт. "19", "REV-1")
8. туберкулёз (туберкулин ППД)
9. туғлар ўлати
10. чўчкалар ўлати
11. парранда ўлати (шт. "Н")
12. листериоз
13. маллеин
14. итлар цистодози

Таклифлар 2007 йил 23 февралга қадар қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 21 "А"-уй. Мурожаат учун телефонлар: 276-90-85, 276-91-51.

Тошкент вилояти Ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан "Чигатой Октева" МЧЖга 2006 йил 26 майда берилган № 11040801060033 рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб томонидан 1980 йили Қўчқарева Насиба Аҳмедовна номига берилган В № 432793 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "AZIYA-EKO SERVIS", зарегистрированное хокимиятом Мирабодского района г.Ташкента ликвидировано. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, Дружба народов, 122. Тел.: 388-24-53.

Ўрмон ҳўжалиги Бош бошқармаси жамоаси Самарқанд Марказий ўрмон ҳўжалиги Бош директори Х.Абдуллаевга волидаи муҳтарамаси Очиллой ая МАРДИЕВАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

<p>Бош муҳаррир</p> <p>Ўтқир РАҲМАТ</p>	<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Саид АХМАД, Ағитбай АДИЛОВ, Уктам БАРОНОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУХАММАД.</p>	<p>МУАССИСЛАР:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Агрисаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирликлар ва идоралар</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР:</p> <p>Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибхат - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87</p>	<p>ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:</p> <p>Корақалпоғистон Республикаси - 8-361-56-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Навоий - 8-436-22-60-525; Наманган - 8-369-41-234-23; Фаргона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.</p>	<p>Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар</p> <p>тижорат мақола</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй</p>	<p>Навбатчи: ДУЛУҒМУРОДОВ Саҳифаловчи: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ Бош мусахҳи: Х.ТОШҲУҲАЕВ</p>
--	--	---	---	---	---	--	--